

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

358 Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банкнинг айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 13 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2148

(2010 йил 23 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (I)-сон) ва Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 232-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банки Бошқаруви **қарор қиладилар:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банкнинг 1998 йил 3 июндаги 04-01-02/386, 98-75, 76-В-сон «Қимматли қоғозлар билан боғлиқ бўлган операцияларни солиққа тортиш тартиби тўғрисида»ги тушунтириши (рўйхат рақами 449, 1998 йил 30 июнь);

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 25 июндаги 68, 2007-38, 291-В-сон «Тижорат банклари, кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари томонидан бюджетга солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1701, 2007 йил 9 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 31-32-сон, 339-модда).

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири

Тошкент ш.,
2010 йил 4 октябрь,
84-сон

Р. АЗИМОВ**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2010 йил 4 октябрь,
2010-38-сон

Б. ПАРПИЕВ**Марказий банк раиси**

Тошкент ш.,
2010 йил 4 октябрь,
32/4-сон

Ф. МУЛЛАЖОНОВ